

ИРРИГАЦИЯ ВА МЕЛИОРАЦИЯ ТЕРМИНЛАРИНИНГ СТРУКТУР ТАҲЛИЛИ

Ахмедова Махлиё Тоштемировна

Шаҳрисабз давлат педогогика институти таянч докторанти

maxliyo.axmedova1985@mail.ru

Терминлар – илмий-техник жараён, турли фан соҳаларига доир билимларни акс эттирувчи ихтисослашган бирликлар. Фан-техника соҳасида илмий тушунчаларни номлаш ва баён этишда терминлар алоҳида ўрин тутди, ҳеч бир фан соҳасини терминларсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Ҳар бир фан соҳаси ўз терминологик тизимига эга, улар билан иш кўради. Россиядаги “Россия терминология мактаби”, Чехословакиянинг «Прага терминология мактаби», Австриядаги «Вена терминология мактаби» каби бир қатор дунё тилшунослигида иш олиб бораётган нуфузли мактабларнинг мавжудлиги терминларнинг жамият ҳаётида, ҳар бир фан соҳасида нақадар муҳим ўрин тутишидан далolat беради. Тилшуносликда термин турлича талқин қилинади. Ўзбек тилшунослигидаги талқинларга кўра “термин касбий маъно билдирувчи, касбий тушунчани ифодаловчи ва шакллантирувчи айрим объектлар ва улар ўртасидаги алоқаларни муайян касблар нуқтаи назаридан билиш ҳамда ўзлаштириш жараёнида ишлатиладиган сўз ёхуд бирикмадир.” . умумадабий тилнинг махсус вазифа бажарувчи бир тури бўлган ишлаб чиқариш, фан ва техника тилига мансуб лисоний бирлик, сўз ёки бирикмасидир” каби таърифларда намоён бўлиб бу борада олиб борилган чуқур тадқиқотлар сирасига А.Ҳожиев, Ҳ. Жамолхонов, Р. Дониёров, О.Усмонов, М. Абдиев, И.Йўлдошев, З.Мираҳмедова, Ғ.Исмоилов Ҳ.Дадабоевлар томонидан олиб борилган изланишларни киритиш мумкин. ” Жаҳон тилшунослигида терминлар тадқиқи, терминология ва лексикография, хусусан, терминография бўйича, умумий филологик ҳамда соҳавий луғатларнинг аҳамияти, уларни тузиш, терминологик бирликларнинг соҳа бўйича ўзига хос жиҳатларини ажратиш кўрсатиш, шунингдек, уларни умумий филологик ёки махсус луғатларда келтириш, бирликларни изоҳлаш бўйича салмоқли тадқиқотлар амалга оширилган, қатор ютуқлар қўлга киритилган. . Соҳавий терминларнинг лингвистик тадқиқи билан Д.Х.Кадирбекова, Н.А.Мартинова, А.Б.Адигенеева, Д.Камчибекова О.С.Аҳмедов, П.П.Нишонов, Х.Палуановалар шуғулланишган Жаҳон тилшунослигидаги тадқиқотларида эса, термин атамаси таърифида терминларнинг яқка бир шахс ижодий маҳсули эканлигини , уни тилдаги умумистеъмол сўзлари каби халқ яратмаслиги ,улар борлиқ ходисаларининг лисоний онгда махсус ифодавий шаклга кириши ва турғунлашуви натижасида пайдо бўлиши қайд этилган.

Хусусан «Терминоведение» асарининг муаллифи С. В Гринёв-Гриневич, термин сўзига шундай таъриф беради "тушунчаларни аниқ номлаш учун қабул қилинган

номинатив лексик бирлик (сўз ёки ибора)" терминлар маълум бир терминология доирасида мавжуд бўлади, яъни улар тилнинг оъзига хос лексик тизимига фақат маълум бир терминологик тизим орқали киради. Терминология муаммолари борасида дунё тил илмида сон-саноксиз тадқиқотлар яратилганига қарамасдан, ҳали-ҳамон "термин"нинг йигирмага яқин таъриф-дефиницияси илмий истеъмолда бўлиб келмоқда. Таъкидлаш жоизки, терминнинг умумий таърифи (лотинча "терминус — „чегара“, „ҳад“) — билим ёки фаолиятнинг махсус соҳасига доир тушунчани ифодаловчи сўз ёки сўз бирикмаси)асосида айнан шу қўлланиш доирасининг махсус соҳа билан чегараланганлигини ҳисобга оладиган бўлсак, ушбу тадқиқот ишида ирригация ва мелиорация соҳаси терминларининг структур ва этимологик жиҳатлари таҳлилга тортилади. Мустақиллик шарофати билан мамлакатимизда барча соҳаларда жиддий ислоҳотлар ўтказилмоқда. Ирригация ва мелиорация, сув хўжалиги соҳасига доир янги қонунлар қабул қилинди, бошқарув ва амалиёт тизимида ўзгаришлар рўй берди. Бу ўзгаришлар кўплаб сўз ва терминларнинг ясаилишига, пайдо бўлишига сабаб бўлди. Шунингдек, соҳага оид терминларни тартибга солиш, уларнинг изоҳли луғатларда берилишини мукаммалаштириш фаннинг долзарб вазифаларидан. Ирригация сўзи ЎТИЛда "лотин тилидан ирригато-сув қўйиш сунъий суғориш". Сувсиз ерларга сув чиқариш, далаларни экин майдонларини суғориш ишлари" тарзида ифодаланган. Мелиорация эса "лотин тилидан яхшилаш. Гидрологик ва тупроқ шароитларини яхшилашга қаратилган барча ташкилий иқтисодий ва техник тадбирлар". Ўзбек тилининг изоҳли луғатида ирригация ва мелиорация соҳасига оидлиликни кўрсатувчи помета берилмаган. Тилнинг терминологик тизими бирликлари тил тизимида умумий хусусиятларга эга бўлиш билан бирга, соҳавий хосланганлиги билан ҳам характерланади. Айниқса, ижтимоий-гуманитар, иқтисодий-сиёсий, табиий, аниқ фанлар ва техник-технологик соҳаларда қўлланивчи кўплаб терминлар алоҳида белгилари билан ажралиб туради. Биз буни ирригация ва мелиорация соҳасида қўлланивчи терминлар тизимида ҳам кузатамиз.

Маълумки, терминологияда терминлар структур жиҳатидан содда ва мураккаб терминларга ажратилади. Содда терминлар таркибида сўз ясовчи ва сўз ўзгартирувчи аффиксларнинг бор-йўқлигига қарамай, ёлғиз бир ўзакдан ёки негиздан пайдо бўлган, биргина луғавий маъноли қисм бўлган сўз ҳисобланади. Масалан: балиқчилик, сатх, пушта, парма, насос, нишаб, тўғон, буғланиш, тиркама

Содда терминлар ҳам ўз ўрнида икки гуруҳга бўлинади:

1. Туб терминлар – ёлғиз ўзакдан ҳосил бўлган терминлар: зах, дўл, гил, довон, ариқ, бўғоз, тамба, ер

2. Ясама терминлар – туб терминларга бирор ясовчи аффиксининг қўшилиши билан ҳосил бўлган терминлар: тиркама, филтрация, сувчи, балиқчилик, буғланиш, буғлатиш, буғланувчанлик

Қўшма термин - икки ва ундан ортиқ содда терминларнинг бирикувидан тузилган терминлар бўлиб, ўзбек тилида , умуман терминологик сатҳда бундай терминлар салмоқли тарзда кўп.

Қўшма терминлар ҳам қўшма сўзлар каби ўз қатлам сўзларидан, бошқа тил материалларидан ҳамда ҳар иккала манбанинг ўзаро қўшилишидан ясалади. Ўзбек тили материаллари асосида юзага келган қўшма терминлар асосан умумистеъмолдаги тайёр қўшма сўзларнинг илмий термин ёки номен сифатида терминологик тизимларга қабул қилиниши маҳсулидир. Бундай икки планда қўлланувчи лексик бирликлар кўпроқ халқ тили билан боғлиқ ҳолда ривожланган терминологик системаларда тез-тез учрайди. Шунингдек, ўз тилимиз материалларидан тузилган қўшма терминлар айна русча терминларни тўлиқ калкалаш жараёнида ҳам юзага келади Маълумки, ўзбек халқи қадимдан бошқа халқлар билан ҳамкорликда, қўшничиликда яшаб келган. Шунга кўра, тилимизда айрим компонентлари арабча, форсча ёки русча-байналмилал бўлган, ҳатто ҳар иккала қисми ҳам муайян (ўзбек тилидан бошқа) тил материалларидан ясалган қўшма терминлар учрайди. Демак, қўшма терминларнинг компонентлари генетик материалга кўра турлича. Бу жиҳатдан қўшма терминларни уларни ташкил этган компонентларининг келиб чиқиш материалга кўра икки гуруҳга ажратиш мумкин: 1) бир тилдаги қатламга мансуб сўз бирликларидан ҳосил этилган қўшма терминлар; 2) турли тилларга мансуб сўз бирликларидан ҳосил этилган қўшма терминлар.

1. Компонентлари бир лексик қатламга мансуб сўз бирликларидан ҳосил этилган қўшма терминлар. Бундай қўшма терминлар ҳам, ўз навбатида, иккига бўлинади:

а) ўзбек тилида аввалдан қўлланиб келинган ўзбекча, арабча, форсча сўзларнинг ўзаро қўшилишидан юзага келган қўшма терминлар. Бундай терминлар қуйидаги кўринишларга эга:

От+от моделида ясалган қўшма терминлар: сув хўжалиги, қишлоқ хўжалиги, озиқ-овқат саноати, ариқ дарвозаси.

Сифат+от моделида ясалган қўшма терминлар кўпроқ табиий фанлар, техника терминотизимида учрайди: тўғри бурчак, босимли сув, босимсиз сув, бош қувур, бош ҳовуз, буғлатиш ҳовузи, тахир сув, минерал сув, арксимон тўғон иссиқбардошлик, совуқбардошлик, каби.

Кейинги вақтларда иккинчи компонентга –гич (-кич, - қич, -ғич) аффикси қўшиш орқали терминлар ясалиши фаол ясалиш ҳисобланади: ҳаво қиздиргич, ҳаво ҳайдагич, гўнг сепкич, уруғ ўтказгич, оқим кескич, сув ўтказгич, балиқ туширгич, ариққазгич, сув айиргич каби.

Равиш + от ёки ҳаракат номи моделида ясалган қўшма терминлар: ўта туйиниш, ўтакучланиш, ўтақизитиш, ўтауйғониш, ўта структура, чала ўтказгич, қисқа туташув, эртапишар, камҳосил каби.

Ҳаракат номи+от: суғориш канали, буғланиш майдончаси, буғланиш жадаллиги, саёзланиш даражаси

б) компонентлари русча-байналмилал термин ёки термин-элементлардан иборат, рус тилидан тайёр ҳолда ўзлаштирилган қўшма терминлар: гидроэнергетика, гидромодул, гидравлик турбина, гидравлик шланг, барометр, биофилтр, вакуум аппарат

2. Турли қатламга оид сўзларнинг ўзаро бирикувидан ҳосил бўлган гибрид терминлар. Бу шаклда гибридларнинг ҳар иккаласи ҳам русча-байналмилал, ҳам ўзбекча компоненти мустақил маъно ва қўлланишга эга бўлган сўз-терминлардан иборат бўлади: карбонсувлар, хлорсирка, лимиткўрсаткич, электрасбоб, ёдмой, гидравлик нишаблик, гидрокулф, гидроқувурчи, суғориш гидромодули, дарёни шлюзлаш, дарё трассаси, арксимон гравацион тўғон, капилляр нам сифими, келтирилган гидромодул ва бошқалар.

Шуниси характерлики, ирригация ва мелиорация терминлари бевосита шу соҳа тизимида хос бўлиши ҳам, бошқа тизимдан ўзлашган бўлиши ҳам мумкин. Масалан, қуйидаги терминлар фақат ирригация ва мелиорация тизимида ишлатилади: пушта, босимли сув ўтказгич, сув бериш гидромодули, суғориш гидромодули, силос, сеялка, пайкал, плантаж, гидравлик сакраш, резервуар

Терминологияга бағишланган ишларнинг барчасида у ёки бу соҳанинг муайян тушунчаларини англатадиган, асосан, номинатив функцияни бажарадиган бирликлар термин ҳисобланади деб қаралади. Ҳозирги вақтда терминология масаласининг ўсиб бориши, бир томондан илм-фан, қишлоқ хўжалиги, иқтисодиётнинг динамик ривожланиши туфайли янги тушунчаларнинг кўпайиб борилиши деб қаралса, иккинчи томондан, терминларнинг шаклланиш жараёни ривожланиши ва функцияси каби масалаларни чуқурроқ ўрганилиши зарурлиги билан изоҳланади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Кўчимов Ш. Дипломатик тил асослари. – Тошкент: Ўқитувчи, 2006. – 76 б.
2. Нарходжаева Х. Жараён англлатувчи терминларнинг ўзбек тилида тутган ўрни. – Тошкент: Фан, 2013. – Б. 11.
3. . Жамолхонов Ҳ. А. Ўзбек ботаника терминологиясининг таркиб топиши ва ривожланиш тарихидан: Филол. фан. номз. ... дисс. – Тошкент: ЎзФА, 1969. – 247 б.;
4. Дониёров Р. Ўзбек тили техник терминологиясининг айрим масалалари. – Тошкент: Фан, 1977. – 159 б.;
5. Усмонов О. Ўзбек тили терминологиясида лексик вариантлар. – Тошкент: Фан, 1986;
6. Ҳожиёв А. Термин танлаш мезонлари. – Тошкент: Фан, 1996. – 46 б;

7. Абдиев М. Соҳавий лексиканинг систем таҳлили муаммолари. - Тошкент: Халқ мероси, 2004. – 262 б.;
8. Юлдашев И. Ўзбек китобатчилиқ терминологияси: Филол. фан. д-ри ... дисс. – Тошкент: Фан, 2004;
9. Мираҳмедова З. Ўзбек тилининг анатомик терминологияси ва уни тартибга солиш муаммолари. – Тошкент: Фан, 2010. – 128 б.;
10. Исмаилов Ғ. М. Ўзбек тили терминологик тизимларида семантик усулда термин ҳосил бўлиши. Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Тошкент: ЎЗР ФА ТАИ, 2011. – 26 б.
11. Мустафаева С.Хитойча-ўзбекча тилшунослик терминлари. Тошкент: Фан ва технологиялар Маркази, 2014. 111 б.;
12. Кадирбекова Д.Х. Инглиз ва ўзбек тилларида ахборот технологиялари терминологиясининг лингвистик хусусиятлари. Монография. – Тошкент: Фан ва технология, 2016. – 128 б.; Мартынова Н.А. Роль терминологической лексики в формировании коммуникативной компетенции специалиста // Общество и человек. – 2014, №1 (7). –С. 67-72.;
13. Адигенеева А.Б., Камчибекова Д. К вопросу о преподавании профессиональных терминов в русском языке. Электрон ресурс: https://revolution.allbest.ru/pedagogics/00554873_0.html. Мурожаат санаси: 30.08.2021